

Янги фатво чиқибди эмиш

08:17 / 16.08.2019 3541

Ассалому алайкум! Қайнонам кеча жанозага бориб келдилар. У ердаги отин аёлларнинг ўраниши ҳақида маъруза қилибди ва айтишларича келинларни бир уйда яшайдиган қайнилари олдида ҳижобда юришлари шарт эмас эмиш. Буни бир бошқа қариндошимиздан ҳам эшитгандим. Шундай фатво чиқибди дегандилар. Шу ростми? Агар ёлғон болса бу отинлар нимага ишониб бундай фатво беришябди? Ахир буни охири фитнага олиб келиши аниқку.

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Эрининг ака-укаларининг олдида худди кўчадаги бегоналарнинг олдида бўлганидек авратларини беркитиши фарз. Шарт эмас деганлар ҳам фатво чиқибди деганлар ҳам нотўғри айтишибди. Бу каби фатво берувчилар ва уни тарқатувчилар Аллоҳдан қўрқинсин.

لَا أَقَامَ لَسَوْ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلٍ صَبَّ نَجْلًا نَعَرَ فَعَجَّ بِبَابِ نَبِّ لَلِ دَبَّ عُنْ
يَمْرَادًا وَأَوْرَانِ لَلِ عَمُ كُؤُجًا أَيُّ تَفَلَّ عَمُ كُؤُجًا

Убайдуллоҳ ибн Абу Жаъфардан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фатвога журъатли бўлганингиз дўзахга журъатли бўлганингиздир», дедилар».

Доримий ривоят қилган.

Ким дўзахга тушишдан қўрқмаса, парво қилмасдан тўғри келган фатвони айтаверади.

Ушбу таълимотлар муслмонларнинг аввалги авлодлари томонидан яхши ўрганиб чиқилган, уларга амал қилинган ва улар асосида махсус қоидалар ишлаб чиқилган эди.

Абдурроҳман ибн Абу Лайло бир масалани сўраб билиб олиш учун бир юз йигирмата саҳобийга мурожат қилганини, уларнинг ҳаммаси ўзидан бошқадан сўрашни тавсия қилганларини ривоят қилган.

Ўзидан илмлироқ кишининг борлигини билган олим ҳам ўзи фатво бермай мазкур илмлироқ кишидан сўрашни маслаҳат бериши қоидага киритилган.

Муслмонлар ушбу қоидага қарши чиққанларга нисбатан мурасасиз кураш олиб борганлар ва шунинг учун ҳам, турли ихтилофлар ҳамда бало офатлардан сақланганлар. («Дин насиҳатдир» китобидан). Валлоҳу аълам!